

# Жаноза ва аҳкомлари

«Рисалатун фил фиқҳил мұяссар» китобидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – اُوزبکي ]



Доктор Солих ибн Фоним Садлон



Мутаржим: Абу Жаъфар Бухорий

Муҳаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший

## الجنائز وأحكامها

مقتبس من كتاب "رسالة في الفقه الميسر"

[Ўзбекча – Uzbek – ]



د. صالح بن غانم السدلان

۲۰۱۸

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

## Жанозалар

### **А) Инсоннинг умри нақадар узоқ бўлса ҳам бир кун келиб ўлади**

Инсон (бир куни) амал диёридан мукофотлар диёрига риҳлат қиласди. Мусулмоннинг мусулмон биродари устидаги ҳаққи уни бемор бўлса бориб кўриши, вафот этса жанозасида иштирок этишидир.

— Беморни бориб кўриш ва унга тавба ва васият қилишни эслатиш суннатdir.

— Ўлиш асносидаги одамни, бирон қийинчилик бўлмаса, ўнг томонини босиб узанган ҳолатида юзини қиблага буриш, агар бунинг имкони бўлмаса, орқаси билан ерга ётқизилган ва оёқларини қиблага узатилиб, бошини бироз кўтариб, юзи билан қиблага қаратилган ҳолатида ётқизиш ҳамда «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) шаҳодат калимасини айтиб туриш, унинг лабларини сув ёки бошқа суюқлик билан намлаб туриш ва Ёсин сурасини ўқиб туриш суннатdir.

— Мусулмон оламдан ўтса унинг кўзларини юмиб қўйиш, жағини бир мато билан боғлаш, бўғимларини мулойимлик билан юмшатиш, ердан кўтариб олиш, қийимларини ечиш, авратларини ёпиш, ювиш тахтаси устига қиблага қаратиб, имкони бўлса ўнг томони билан ётқизиб қўйиш, имкони бўлмаса оёқларини қибла тарафга узатиб чалқанча ётқизиш суннатdir.

## Б) Маййитни ювиш

— Маййитни маййит васият қилган одам, сўнгра отаси, сўнгра бобоси, сўнгра эса энг яқин қариндошларидан бири ювади. Аёл кишини эса васият қилган одами, сўнгра онаси, сўнгра бувиси (энаси), сўнгра эса яқин аёл қариндошларидан бири ювади. Вафот этган эр хотинини, хотин эса эрини ювиши жоиздир.

Фассолнинг оқил, яхши билан ёмонни ажратса оладиган, ишончли ва ювиш аҳкомларини биладиган одам бўлиши шартдир.

— Мусулмоннинг кофирни ювиши ёки дафн этиши ҳаром бўлиб, унинг устига тупроқ тортадиган одам бўлмаса, кўмишининг зарари йўқдир.

## В) Маййитни ювишнинг суннат шакли

Маййитни ювмоқчи бўлган одам унинг авратларини ёпди. Сўнгра бошини ўтириш даражасига яқин кўтариб, қорнини аста босади ва сувни аямай куяди. Кўлига бир латтани олиб маййитга истинжо қиласи. Сўнгра кўлига янги латтани олиб, мустаҳаб бўлгани учун, маййитга таҳорат қилдиради. Кейин эса уни ювади. Ювишни бошлашдан илгари ювинтириш учун ният қилиб, басмалани айтади. Сўнгра сув, нилуфар ёки совун билан ювади. Ювар экан бошидан бошлайди, сўнгра соколларини, сўнгра ўнг, кейин эса чап томонларини ювади. Сўнгра биринчи марта қилганидек иккинчи ва учинчи марта ювади. Агар тоза бўлмаса, тоза бўлгунича ювади. Охирги ювишида сувга кофур (камфара) ёки хушбўй нарса қўшиб юборади. Агар маййитнинг мўйлаб ёки тирноқлари ўсиб кетган бўлса, уларни олади. Сўнгра бирон мато билан артилади. Хотин-қизларнинг соchlари уч ўрим қилиниб, орқасига ташлаб қўйилади.

**Г) Эркак кишини учта хушбўй нарса билан дудланган лифофа (газмол парчаси)да кафанлаш суннатдир.**

Лифофаларни бир-бири устига ёзиб қўйилади. Лифофалар орасига атир сепилади. Сўнгра маййитни лифофалар устига чалқанча ётқизилиб, думбалари орасига пахта қўйилиб, устига латта ташланиб, унинг устидан авратларини ёпиб турган кичик иштон шаклида маҳкам боғланади. Уни бутун бадани билан бирга хушбўйланади. Сўнгра устда турган лифофани чап томондан ўнг тарафига қайрилади. Сўнгра лифофанинг ўнг тарафини маййитнинг чап томонига қайрилади. Сўнгра иккинчи, сўнгра учинчи лифофани ҳам шундай қилинади. Ундан ортиб қолганини маййитнинг бош томонига қўйиб, энига боғланади ва уни қабрда ечиб қўйилади.

Ёш болани битта лифофада кафанланса ҳам, учта лифофада кафанланса ҳам бўлаверади.

Хотин кишига лунги боғланади, сўнгра кийим кийдирилади, сўнгра рўймол ва кийим ҳамда икки лифофа билан ўралади. Аввал (лунги боғланади), сўнгра кийим кийдирилади, сўнгра рўймол ўралади, сўнгра икки лифофани ўралади.

Кичик ёшдаги қизалоқни битта қўйлак ва икки лифофа билан кафанланади.

— Эркак ёки аёл маййитни жасадининг бутун жойларини бир марта ювиш етарлидир. Эркак ёки аёл маййитни бутун баданини ёпадиган битта лифофа билан кафанлаш жоиздир.

— Чала тугилган бола тўрт ойлик бўлса, унга исм қўйилади, ювилади ва жаноза намози ўқилади.

## Д) Майиттга намоз ўқишининг шакли

Имом эркак майиттнинг кўқраги, хотин кишининг эса бели рўпарасида туриб, тўрут такбир айтади. Ҳар такбир айтишида кўлларини қўтаради. Биринчи такбирни айтгач «Аъзу» ва «Басмала»ни айтиб, Фотиха сурасини хуфёна, товуш чиқармай ўқийди. Сўнгра иккинчи такбирни айтиб шундай дейди:

((اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، وَبَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ حَمِيدٌ))

«Эй Аллоҳ, Мұхаммадға ва Мұхаммаднинг оиласига худди Иброҳим ва Иброҳимнинг оиласига салавот ёғдирганингдек салавот ёғдир. Эй Аллоҳ, Мұхаммадға ва Мұхаммаднинг оиласига худди Иброҳим ва Иброҳимнинг оиласига барака ёғдирганингдек барака ёғдир! Дарҳақиқат, Сен — ҳамдларга лойик буюк Зотсан» (Имом Бухорий «Пайғамбарлар ҳақидаги ҳадислар» 3190, Имом Муслим «Намоз» 406, Термизий «Намоз» 483, Насойи «Саҳв» 1288, Абу Довуд «Намоз» 976, Ибн Можа «Намозни барпо қилиши ва ундаги суннат» 904, Имом Аҳмад 4/244, Доримий «Намоз» 1342).

— Сўнгра учинчи такбирни айтиб, ушбу дуони ўқийди:

((اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِحِينَا وَمَيِّتَنَا، وَشَاهِدِنَا وَغَائِبِنَا وَكَبِيرِنَا، وَذَكَرِنَا وَأَنْثَانَا، إِنَّكَ تَعْلَمُ مُنْقَلَبَنَا وَمَنْوَانَا، وَأَنْتَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ. اللَّهُمَّ، مَنْ أَحْيَيْتُهُ مِنَّا فَأَحْيِهْ عَلَى الإِسْلَامِ وَالسُّنْنَةِ، وَمَنْ تَوَفَّيْتُهُ مِنَّا فَتَوَفَّهُ عَلَيْهِمَا. اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَهُ وَارْحَمْهُ، وَعَافِهِ

وَاعْفُ عَنْهُ، وَأَكْرِمْ نُزُلَهُ وَوَسِعْ مُدْخَلَهُ، وَاغْسِلْهُ بِالْمَاءِ وَالثَّلْجِ  
وَالْبَرَدِ، وَنَقِهِ مِنَ الدُّنْوِ وَالْحَطَايَا كَمَا يُنَفَّى الشَّوْبُ الْأَبْيَضُ مِنَ  
الدَّنَسِ، وَأَبْدِلْهُ دَارًا حَيْرًا مِنْ دَارِهِ، وَرَوْجًا حَيْرًا مِنْ رَوْجِهِ، وَأَدْخِلْهُ  
الْجُنَاحَةَ، وَأَعِدْهُ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ وَمِنْ عَذَابِ النَّارِ، وَافْسَحْ لَهُ فِي  
قَبْرِهِ، وَنَوْرُ لَهُ فِيهِ))

«Эй Аллох, тирикларимиз ва ўликларимиз, гувохларимиз ва (хозир) йўқларимиз, кичикларимиз ва катталаримизни мағфират қил! Дарҳақиқат, Сен бизнинг борадиган жойимиз ва маконимизни яхши биласан. Сен барча нарсага қодирсан. Эй Аллох, ичимиздан тирилтирганингни Ислом ва суннатга тирилтири! Ўлдирганингни эса Ислом ва суннат узра ўлдир! Эй Аллох, у (майит)ни мағфират қил, унга шафқатли бўл! Унга оғият бер ва гуноҳларини кечир! Борадиган жойини муҳтарам, кирадиган маконини кенг қил! Уни сув, қор ва дўллар билан юв! Уни гуноҳ ва хатолардан оқ (рангли) кийим кирлардан тозаланганидек покла! Уни хонадонидан кўра яхшироқ хонадонга, жуфтими жуфтидан яхшироқ жуфтга алиштири ва уни жаннатга киритиб, жаҳаннам ва қабр азобларидан асрар! Унинг қабрини кенг ва мунаввар айла!» (Термизий «Жанозалар» 1024, Насоий «Жанозалар» 1986, Имом Аҳмад 5/412).

Агар майит болакай бўлса:

((وَمَنْ تَوَفَّيْتُهُ مِنَّا فَتَوَفَّهُ عَلَيْهِما))

«Ўлдирганингни эса Ислом ва суннат узра ўлдир!» жумласидан сўнгра:

((اللَّهُمَّ اجْعَلْهُ ذُخْرًا لِوَالدِّيْهِ، وَفَرَطًا وَشَفِيعًا مُحَاجَّاً. اللَّهُمَّ ثَقِّلْ  
بِهِ مَوَازِينَهُمَا، وَأَعْظِمْ بِهِ أُجُورَهُمَا، وَأَلْحِقْهُ بِصَالِحِ سَلَفِ الْمُؤْمِنِينَ،  
وَاجْعَلْهُ فِي كَفَالَةِ إِبْرَاهِيمَ، وَقِهِ بِرَحْمَتِكَ عَذَابَ الْجَحِيمِ))

«Эй Аллоҳ, уни ота-онаси учун зод, кутиб олувчи ва ижобатли шафоатчи айла! Эй Аллоҳ, у билан ота-онасининг тарозиларини оғир ва савобларини катта қил ва уни мўминларнинг солиҳ аждодларига қўшиб, Иброҳим-нинг кафолатига қўйиб, ўз раҳматинг билан жаҳаннам азобидан асрар!», дейилади.

— Сўнгра тўртингчи такбирни айтилиб озгина турилади ва ўнг томонга битта салом берилади.

### **Е) Жаноза намозининг фазилати**

Жаноза намозини ўқиган одамга бир қийрот савоб бордир. Қийрот — Ухуд тоғи қадар, демакдир. Агар жанозанинг орқасидан дағн қилингунича кетса, икки қийрот савоб берилади.

— Майитни тўрт кишининг кўтариб бориши суннатдир. Бир одамнинг амбарнинг тўрт томонидан кўтариши, уни тезроқ олиб бориш, пиёдаларнинг жанозанинг олдида, уловдагиларнинг эса орқасида бўлиши суннатдир.

### **Ё) Қабр ва дағн қилиш шакли ҳамда қабрларда таъқиқланган нарсалар**

Қабрни чукур қилиб қазиш суннатдир. Қабрнинг тубига етиб келгач, ўша ердан ён тарафига майитни қўйиладиган чукур қазилади ва уни «лаҳад» деб аталади. У тўғри чукур — «шаққ»дан афзалдир. Қабрга қўяётган одам: «Бисмиллаҳ, ва ъалаа миллати Расулиллаҳ» [Аллоҳнинг номи билан ва Расулуллоҳнинг миллати (дини)га кўра (қўймоқдаман)],

деб майитни лаҳад ичига ўнг томони билан ва юзини қиблага қаратиб қўяди. Сўнгра лаҳад оғзига ғишт терилиб, тупроқ тортилади. Қабрни ер сатҳидан бир қарич баланд қилиниб, устига сув сепилади.

— Қабр устига дахма қуриш, уни гипслаш (бетонлаш), устини босиш, қабр олдида намоз ўқиш, қабрларни саждагоҳ қилиб олиш, тавоф қилиш, устларига чироқ ёкиш ва гуллар қўйиш таъқиқланади.

— Майит эгаларига овқат юбориш суннат ҳисобланиб, уларнинг одамлар учун овқат тайёрлашлари мақруҳdir.

— Қабрларни зиёрат қилаётган одамнинг ушбу дуони ўқиши суннатдир:

((السَّلَامُ عَلَيْكُمْ دَارَ قَوْمٍ مُؤْمِنِينَ، إِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ بِكُمْ لَا حِقُولَنَّ، يَرْحَمُ اللَّهُ الْمُسْتَقْدِمِينَ مِنْكُمْ وَالْمُسْتَخْرِجِينَ، نَسْأَلُ اللَّهَ لَنَا وَلَكُمُ الْعَافِيَةَ. اللَّهُمَّ، لَا تَخْرِمْنَا أَجْرَهُمْ وَلَا تَفْتَنَنَا بَعْدَهُمْ، وَاغْفِرْ لَنَا وَلَهُمْ))

«Мўмин халқлар диёри, сизларга салом бўлсин! Аллоҳ хоҳласа, биз ҳам сизларга етиб келамиз. Аллоҳ сизлардан олдин ва кейин келганларни раҳмат қилсин! Аллоҳдан ўзимиз ва сизлар учун офият тилаймиз. Эй Аллоҳ, бизларни уларнинг савобларидан маҳрум қилма ва улардан кейин фитнага мубтало айлама! Бизларни ва уларни мағфират қил!» (Имом Муслим «Таҳорат» 249, Насойи «Таҳорат» 150, Абу Довуд «Жанозалар» 3237, Ибн Можа «Зухд» 4302, Имом Аҳмад 2/300, Имом Молик «Таҳорат» 60).

— Майит эгасига дағндан илгари ва кейин уч кунгача таъзия билдириш суннат бўлиб, ўша пайтда бўлмаган одамнинг уч кундан кейин таъзия билдириши мустаснодир.

— Мусибат етган одамнинг:

((إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ، اللَّهُمَّ أُجُرِنِي فِي مُصِيبَتِي، وَأَخْلِفْ  
لِي خَيْرًا مِنْهَا))

«Биз Аллоҳникимиз ва Аллоҳга қайтамиз! Эй Аллоҳ, мусибатимда менга ажру савоб бер ва менга бундан кўра яхшироқ нарсани бадал қил!», дейиши суннатдир (Имом Муслим «Жанозалар» 918, Термизий «Жанозалар» 977, Абу Довуд «Жанозалар» 3119, Ибн Можа «Жанозалар ҳақида келган ҳукмлар» 1447, Имом Аҳмад 6/309, Имом Молик «Жанозалар» 558).

— Майит учун йиглаш жоиз бўлиб, ёқаларни йиртиш, юзларни шапатилаш, товушларни кўтариш ва шунга ўхшаш нарсаларни қилиш ҳаромдир.

